

Самарали халқаро ҳамкорлик: "Pareburg AG" компанияси раҳбарияти билан учрашув



Жорий йилнинг 30 март куни "Ўзавтойўл" АК да компания раҳбарияти ва Германия Федератив Республикасининг "Pareburg AG" компанияси раҳбарияти ўртасида учрашув бўлиб ўтди.

Учрашув чоғида томонлар "Pareburg AG" компанияси томонидан А-380 "Ўзор-Бухоро-Нукус-Бейнеу" автомобиль йўлининг 440-490 км қисмида амалга оширилган цементбетон қопламали 50 км автомобиль йўли қурилиши лойиҳаси хусусида фикр алмашишди.

Шунингдек, учрашувда "Ўзавтойўл" АК ва "Pareburg AG" компаниялари ўртасида ўзаро ҳамкорлик имкониятларининг йўналишлари кўриб чиқилди. Соҳа мутахассисларининг тажриба алмашинуви, цементбетон ва асфальтбетон қопламали автомобиль йўлларини қуриш, таъмирлаш ва эксплуатация қилишда замонавий технологиялар, инновациялар, услублар ва махсус техникаларнинг қўлланилиши шулар жумласидандир.

Таъкидлаш жоизки, "Pareburg AG" компанияси сўнги бир неча йил давомида Озарбайжон, Қозоғистон, Ўзбекистон ва дунёнинг бошқа мамлакатларида цементбетон ва асфальтбетон қопламали автомагистраль йўллар қурилиши бўйича бир қатор лойиҳаларни амалга ошириб келган.

"Ўзавтойўл" АК матбуот хизмати